# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2023 йил 3 июнь, № 113 (8456) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июнь куни Чўлпонота шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи етакчиларининг иккинчи учрашувида иштирок этди.**



Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров раислигида ўтган тадбирда Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Нурмуҳаммад Аманнепесов ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳамда долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида етакчиларнинг Остонада ўтган биринчи учрашувидан сўнг ўтган қисқа даврда конструктив сиёсий мулоқот ва кўп қиррали шерикликни ривожлантириш бўйича катта ишлар қилинганини таъкидлади.

Жумладан, Минтақавий ўзаро боғлиқлик бўйича юқори даражадаги конференция ўтказилиб, унда рақамлаштириш, транспорт коммуникациялари, энергетика ва сув ресурсларини бошқариш соҳаларидаги лойиҳаларни, шу жумладан, Европанинг "Глобал дарвоза" стратегияси доирасида илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Марказий Осиёда барқарор энергетика тизимини яратиш ҳамда профессионал таълим соҳасида бир қатор муҳим минтақавий лойиҳалар бошланди.

Фуқаролик жамияти форуми, иккинчи Иқтисодий форум ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

— Бу тадбирлар бизнинг европалик шерикларимиз билан мулоқотларимиз сифат жиҳатдан ва ижобий ўзгариб бораётганини яна бир бор кўрсатди, — деди Президентимиз.

Бугун Марказий Осиё Европанинг етакчи компания ва банклари учун жозибадорлик маркази ва янги иқтисодий имкониятлар маконига айлангани қайд этилди.

— Бу ўринда сўз замонавий саноат қувватларини яратиш, "яшил" энергетикани жорий этиш, "ақлли" қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ривожланган транспорт-логистика инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган кенг инвестициявий ва технологик шериклик ҳақида бормоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистоннинг Евроиттифоқ билан ҳамкорлигига тўхталар экан, Президентимиз барча даражалардаги мулоқотлар сезиларли даражада фаоллашганини қайд этди. Хусусан, Франция, Германия, Венгрия ва Чехия етакчилари билан учрашувлар ўтказилди. Будапешт ва Стокгольмда элчихоналар очилди. Яқин орада Италияга расмий ташриф бўлиб ўтади.

Европа Иттифоқи билан товар айирбошлаш ҳажми "GSP+" тартиби туфайли жорий йил бошидан буён қарийб 70 фоизга ўсди. Европанинг етакчи компания ва банклари билан юқори технологик ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича истиқболли лойиҳалар портфели 20 миллиард евродан зиёдни ташкил этмоқда.

Гуманитар соҳада Париждаги Лувр ва Берлиндаги Янги музей билан ҳамкорликда иккита ноёб лойиҳа амалга оширилди. Ушбу санъат марказларида илк бор минтақамизнинг бой маданий-тарихий мероси кенг намойиш этилди.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, мураккаб геосиёсий вазият ва глобал иқтисодиётдаги салбий жараёнларга қарамасдан, Марказий Осиё мамлакатлари барқарор ўсишни намойиш этмоқда.

Шу муносабат билан европалик шериклар миллий ривожланиш дастурлари ва ортга қайтмас ислоҳотлар стратегиясини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаши муҳим экани таъкидланди.

Саммит кун тартибидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Евроиттифоқ билан савдо муносабатларини тубдан кенгайтириш учун Ўзбекистон етакчиси мамлакатимиз барқарор савдо-логистика занжирларини ва ўзаро маҳсулот етказиб беришни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратиш, "GSP+" тартибининг амал қилиш муддатини узайтириш ва ушбу тизимни минтақанинг барча мамлакатларига татбиқ этилишидан манфаатдорлигини билдирди.

Шу билан бирга, бир қатор масалалар бўйича сезиларли силжиш кузатилмаётгани қайд этилиб, уларни ҳал қилиш учун Минтақа мамлакатларининг экспорт ва импорт қилувчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш комплекс дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қабул қилиш жараёни тез фурсатда якунланиши ҳам ушбу вазифанинг ижросига хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзаро боғланган транспорт йўлакларини шакллантириш барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омилидир.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ» ИККИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Навбатдаги "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" форматидаги етакчилар учрашувининг барча иштирокчиларини қутлашдан мамнунман.

Қирғиз Республикаси Президенти ҳурматли Садир Нурғожоевич Жапаровга саммит аъло даражада ташкил этилгани ҳамда минтақамизнинг энг хушманзара масканларидан бири — Чўлпонота шаҳрида кўрсатилаётган ҳар доимгидек илиқ, самимий меҳмондўстлик учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель жанобларига ҳам алоҳида ташаккур билдираман.

Алоқаларимизнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан айнан сизнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан конструктив сиёсий мулоқотни ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашингиз ва қатъий интилишингиз туфайлидир.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Остонада очиқлик, ўзаро ишонч руҳида ва самарали ўтган илк учрашувимиздан буён салкам бир йил ўтди. Шу қисқа даврда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан, ҳақиқатан ҳам, катта ишлар амалга оширилди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонда Минтақавий ўзаро боғлиқлик бўйича юқори даражадаги конференция ўтказилди. Унда рақамлаштириш, транспорт коммуникациялари, энергетика ва сув ресурсларини бошқариш соҳаларидаги лойиҳаларни, шу жумладан, европалик шерикларимизнинг "Глобал дарвоза" стратегияси доирасида илгари суришга алоҳида эътибор қаратдик.

Марказий Осиёда барқарор энергетика тизимини яратиш ҳамда профессионал таълим соҳасида бир қатор муҳим минтақавий лойиҳаларни бошладик.

Март ойида Тошкентда Фуқаролик жамияти форуми, Олмаотадаги иккинчи Иқтисодий форум, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг май ойида Самарқандда бўлиб ўтган йиллик йиғилиши натижаларини алоҳида қайд этишни истар эдим. Бу тадбирлар бизнинг европалик шерикларимиз билан мулоқотларимиз сифат жиҳатидан ва ижобий ўзгариб бораётганини яна бир бор кўрсатди.

Бугун Марказий Осиё Европанинг етакчи компания ва банклари учун жозибадорлик маркази ва янги иқтисодий имкониятлар маконига айланди.

Бу ўринда сўз замонавий саноат қувватларини яратиш, "яшил" энергетикани жорий этиш, "ақлли" қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ривожланган транспорт-логистика инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган кенг инвестициявий ва технологик шериклик ҳақида бормоқда.

Ҳамкасбларимнинг чиқишларида статистик маълумотлар янгради. Уларни такрорлаб ўтирмайман. Шу билан бирга, қайд этмоқчиманки, 2030 йилга қадар ушбу кўрсаткичларнинг икки баробар ўсишига эришиш учун барча асосларимиз бор.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ҳамкорлиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Мишель жаноблари, сизнинг Ўзбекистонга тарихий ташрифингиздан сўнг барча даражалардаги мулоқотлар сезиларли даражада фаоллашди. Биз Франция, Германия, Венгрия ва Чехия етакчилари билан учрашувлар ўтказдик. Будапешт ва Стокгольмда элчихоналар очдик. Келгуси ҳафтада мен Италияга ташрифни амалга оширишни режалаштирмоқдаман.

Европа Иттифоқи билан товар айирбошлаш ҳажми "GSP+" тартиби туфайли барқарор ўсиб бормоқда. Ўтган йили савдо ҳажми 20 фоизга ошган бўлса, жорий йил бошидан буён қарийб 70 фоизга ўсди. Европанинг етакчи компания ва банклари билан юқори технологик ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича истиқболли лойиҳалар портфели 20 миллиард евродан зиёдни ташкил этмоқда.

Стратегик ҳамкорларимиз орасида "Siemens", "Linde Group", "CLAAS", "Airbus", "BASF", "EDF", "Alstom", "Total", "Orano", "OTP Group" ва кўплаб бошқа жаҳонга машҳур корпорациялар бор. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши Евроосиё қитъасининг индустриал харитасини тубдан ўзгартириб юборишга имкон беради.

Гуманитар соҳада Париждаги Лувр ва Берлиндаги Янги музей билан ҳамкорликда иккита ноёб лойиҳани амалга оширдик. Бутун дунёга машҳур ушбу санъат марказларида илк бор минтақамизнинг бой маданий-тарихий меросини кенг намойиш этдик.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Мураккаб геосиёсий вазият ва глобал иқтисодиётдаги салбий жараёнларга қарамасдан, Марказий Осиё мамлакатлари барқарор ўсишни намойиш этмоқда.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки таҳлилчиларининг сўнгги ўрганишларига кўра, минтақадаги умумий иқтисодий ўсиш жорий йилда 5,2 фоизни ва келгуси йилда 5,4 фоизни ташкил қилади.

Европалик экспертлар Ўзбекистонда ўртача 6,5 фоизлик йиллик ўсишни прогноз қилмоқда. Айни пайтда биз 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажми ва аҳолининг реал даромадларини икки баробар ошириб, даромадлари ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришни режалаштиряпмиз.

Жадал саноатлаштириш сиёсати, шу жумладан, қайта ишлаш тармоқларига хорижий сармояларни кенг жалб этиш ушбу мақсадга эришишнинг асосий омили бўлади.

Европалик дўстларимиз ва шерикларимиз миллий ривожланиш дастурлари ва ортга қайтмас ислоҳотлар стратегиясини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаши муҳим эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Саммитнинг таклиф этилган кун тартибини ҳисобга олиб, ҳамкорликнинг қуйидаги устувор ва ўзаро манфаатли йўналишларига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчиси — бу савдо. Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан савдо муносабатларини тубдан кенгайтиришдан, энг аввало, барқарор савдо-логистика занжирларини ва ўзаро маҳсулот етказиб беришни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратишдан манфаатдор.

"GSP+" тартибининг тақдим этилиши мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ташқи савдо фаолиятига жалб қилиш ва шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини оширишда рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Биз ушбу шартларнинг амал қилиш муддатларини янги даврга узайтиришдан манфаатдормиз. Ушбу преференциялар тизимининг минтақадаги барча мамлакатларга татбиқ этилиши иқтисодиётларимизнинг индустриал салоҳияти ва рақобатбардошлиги ортишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Бунга мисол тариқасида экспортчиларимиз Европа бозорига умумий қиймати 4 миллиард евро бўлган 500 номдаги саноат товарларини етказиб беришга тайёр эканини қайд этмоқчиман.

Шу билан бирга, минтақамизда Европа Иттифоқи талабларига мувофиқ замонавий лабораториялар, стандартлаштириш ва сертификатлаш марказлари тармоғини яратиш, Европа бозорларида ишлаши учун экспорт қилувчиларимизнинг билим ва салоҳиятини ривожлантириш, Европа компанияларининг минтақа мамлакатлари савдо имкониятлари ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш каби алоҳида масалалар ҳам мавжуд.

Афсуски, бу масалаларнинг барчаси бўйича ҳанузгача сезиларли натижаларга эришилгани йўқ. Уларни ҳал этиш учун Мамлакатларимиз экспорт ва импорт қилувчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш комплекс дастурини биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қабул қилиш жараёни тез фурсатда якунланиши ҳам ушбу вазифанинг ижросига хизмат қилади.

Иккинчидан — барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида ўзаро боғланган транспорт йўлакларини шакллантириш.

Марказий Осиё ва Европанинг транспорт-коммуникациявий боғлиқлигини, энг аввало, "Ўрта маршрут" деб ном олган Транскаспий транзит йўлагини шакллантириш орқали ривожлантириш мақсадида мамлакатларимизнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳа яқинда Самарқандда ўтган Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилари учрашувида пухта таҳлил қилинди.

Афсуски, ушбу магистраль рақобатбардошлигини ошириш масаласида ўзаро мувофиқлашган ёндашув ҳанузгача мавжуд эмас. Бугун юк ташишнинг асосий ҳажмини ҳосил қилаётган бизнес учун манфаатли бўлган тарифлар керак. Бироқ таҳлиллар кўрсатаётганидек, ушбу йўналишдаги жорий тариф ва йиғимлар, масалан, муқобил бўлган Шимол — Жануб йўналишларидагидан 1,5 баробар баланд.

➡ 2

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# АҲОЛИГА СИФАТЛИ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАМДА УНИНГ САМАРАЛИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ЯИМга нисбатан 2 бараварга ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробарга кўпайди ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болаларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда **меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар** ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг **ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишининг белгиланганлиги** мазкур соҳани ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Хусусан, **давлатнинг** ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишга жойлашиши ва таълим олишига кўмаклашиши бўйича конституциявий **мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш** мақсадида мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштириш тизими жорий этилиши талаб этилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда эълон қилинган **ижтимоий давлат тамойилларини** инобатга олган ҳолда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар давлат томонидан аҳолини манзилли ҳимоя қилишнинг **асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

комплекс ёндашув асосида **профессионал ижтимоий ҳимоя тизимини** жорий қилиш;

ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш орқали аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш;

ижтимоий ҳимояни **маҳалла даражасигача** ташкил этиш, оғир ҳаётий аҳволга тушиб қолган аҳолига **индивидуал ёндашувга мувофиқ** ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш;

**аҳолининг ижтимоий суғурта механизмлари** билан қамраб олинишини кенгайтириш;

хавф гуруҳларига тушиб қолган оилаларни **аниқлаш ва комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш** орқали уларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг **ҳаёт кечириши** учун қулай муҳит яратиш.

➡ 2

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

**2023 йил 2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди. Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.**

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи куни сенаторлар томонидан дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш қоидалари бузилишларининг олдини олиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган таъсир чораларини янада тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

➡ 3

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ» ИККИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

← 1

Транспорт-логистика ва порт инфратузилмаларини юклар оқимининг прогноз қилинаётган ўсишига мос равишда кенгайтириш ҳамда йўл қопламасининг техник ҳолатини яхшилаш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан Транскаспий йўлаги салоҳиятидан фойдаланишнинг доимий, таъсирчан механизмини яратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу мамлакатларимиз транспорт идоралари ваколатли вакилларининг доимий учрашувларини ўтказиб боришни назарда тутади.

Шунингдек, европалик ҳамкорлар томонидан Европа ва Марказий Осиё ўртасида барқарор транспорт йўлакларини шакллантириш юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг муҳим аҳамиятини қайд этмоқчиман.

Учинчидан — инвестициявий ва технологик шериклик.

Имкониятларимиз ва умумий режаларимиз хусусида мен батафсил тўхталиб ўтдим. Ўйлайманки, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” иқтисодий форуми доирасида ҳар йили саноат-технология кўргазмаларини ўтказиш масаласини кўриб чиқиш вақти келди.

Бугунги воқеликдан келиб чиқиб, Европа инвестиция банки билан биргаликда Европанинг етакчи компаниялари ишлаб чиқариш қувватларини мамлакатларимизга кўчириш жараёнида уларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг махсус воситаларини ишга туширишдан манфаатдормиз.

Банкнинг минтақавий офиси Ўзбекистонда фаолият юритиши учун барча зарур шароитларни таъминлашга тайёрлигимизни тасдиқлаймиз.

Тўртинчидан — рақамли ўзаро боғлиқлик соҳасида Евроиттифоқ билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

Жаҳон банки мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, юқори тезликдаги интернетдан фойдаланиш имкониятларининг янада кенгайтирилиши минтақа мамлакатлари ялпи маҳсулоти ва экспорти ҳажмининг мутаносиб равишда ошишига олиб келади.

Бу борадаги “Европа жамоаси” ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз ҳамда “Марказий Осиё учун рақамли кун тартиби”ни биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Бешинчидан — иқлим соҳасидаги хатарларга қарши курашиш.

Бу ерда, аввалambор, Европанинг илғор билим ва технологияларини қўллаган ҳолда мақсадли минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан экотизимлар барқарорлигини ошириш ҳақида сўз бормоқда.

Бундан ташқари, бугун Ўзбекистонда “яшил” энергетика фаол ривожланиб бормоқда. 2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш қувватларини 25 минг мегаватгача ошириш ва унинг улушини ҳозирги 14 фоиздан 40 фоизгача етказишни режа қилганмиз.

Бугун менинг ҳамкасбларим экология масалаларига батафсил тўхталдилар. Масаланинг ғоят долзарблигини ҳисобга олиб, Европа Иттифоқини шу йил кузда Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд ташаббуси доирасида ўтказиладиган биринчи Халқаро иқлим форумининг ҳам ташкилотчиларидан бири бўлишга чақирамиз.

Биз шерикларимизнинг Марказий Осиё атроф-муҳитни ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетини ташкил этиш лойиҳасида фаол иштирок этишидан ҳам манфаатдормиз.

Олтинчидан — туризмни ривожлантириш.

Ушбу тармоқ пандемиядан кейин тез қайта тикланаётганини ва барқарор юқори ўсиш суръатини кўрсатаётганини таъкидлаш жоиз. Шунга қарамай, Марказий Осиёнинг улкан туризм салоҳияти бугунги кунда тўлиқ ишга солинмаяпти.

Марказий Осиё учун барқарор туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш дастурини биргаликда ишлаб чиқиш ва уни жорий йил октябрь ойида Ўзбекистонда ўтказиладиган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг юбилей саммитида тақдим этишни таклиф қиламиз.

Ушбу дастур инфратузилмани модернизация ва тарихий мерос объектларини реконструкция қилиш бўйича аниқ лойиҳаларни, авиақатновлар географиясини кенгайтириш ва сонини кўпайтириш, бутун минтақа учун мўлжалланган ягона туризм маҳсулотлари ва йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда виза тартиботларини соддалаштириш масалаларини қамраб олади.

Еттинчидан — ёшлар таълимига инвестиция киритиш.

Ўзбекистонда Европанинг еттита университети филиаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Лекин бу етарли эмас.

Яқин истиқболда Европа Иттифоқи мамлакатларининг етакчи олий таълим муассасалари билан шерикликни йўлга қўйиш ва қўшма таълим дастурларини, биринчи навбатда, техника мутахассисликлари бўйича жорий қилиш ниятидамиз.

Таълим вазирлари ва университетлар ректорларининг шу форматдаги мунтазам учрашувларини қайта тиклаш тарафдоримиз.

“Европа уфқлари” дастури доирасида Марказий Осиё минтақаси учун илмий-тадқиқот ва таълим лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни кенгайтириш имкониятини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Хавфсизлик соҳасида янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш биргаликдаги ишларимизнинг энг муҳим йўналишидир.

Бугун чегараларни ҳимоя қилиш, наркотрафик ва терроризмга қарши кураш бўйича қўшма дастурларни самарали амалга оширмоқдамиз.

Сўнгги йилларда икки юздан ортиқ минтақавий тадбирлар ўтказилди. Европалик ҳамкорлар кўмагида минглаб юқори малакали мутахассислар тайёрланди, чегара пунктлари модернизация қилинди.

Экстремизм ва радикализм, одам савдоси, уюшган ва кибержиноятчиликка қарши курашиш ҳамда чегараларни қўриқлаш соҳасида янги шериклик дастурларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи: хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликнинг янги кун тартиби” мавзусида экспертлар конференциясини ўтказишни таклиф этамиз.

Афғонистон муаммоси эътиборимиз марказида бўлиб турибди. Минг афсуски, Афғонистондаги гуманитар вазият тез суръатда ёмонлашиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда миллионлаб афғонлар ҳалокат ёқасида турибди.

Шу муносабат билан шерикларимизни афғон халқига инсонпарварлик ёрдами ҳажмини камайтирмасликка чақирамиз. Шу мақсадда Термиздаги логистика хаби имкониятларини бундан буён ҳам тақдим этишга тайёрмиз.

Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш ва унинг тинч тараққиётига кўмаклашиш борасидаги долзарб масалалар ечими юзасидан умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун махсус вакилларимизнинг мунтазам маслаҳатлашувларини давом эттиришни таклиф этамиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Бугун ҳамкасбларимнинг чиқишларида Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Билдирилган ҳар бир таклиф экспертларимиз томонидан диққат билан ўрганиб чиқилиши жуда муҳимдир. Шу муносабат билан учрашувимиз якунлари бўйича алоҳида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Мулоқотларимизни мунтазам ўтказиб бориш тўғрисидаги таклифни ҳам қўллаб-қувватлайман.

Ушбу форматдаги илк саммитни келгуси йилда Ўзбекистонда ўтказиш борасидаги ташаббусимиз қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ушбу учрашув якунлари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшимча суръат бағишлайди, минтақада тинчлик ва барқарорлик, изчил тараққиёт ва равнақни таъминлашга хизмат қилади, деб ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

← 1

Шу муносабат билан Марказий Осиё ва Европанинг транспорт-коммуникациявий боғлиқлигини, энг аввало, “Ўрта маршрут” деб ном олган Транскаспий транзит йўлагини шакллантириш орқали ривожлантириш мақсадида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимдир.

— Афсуски, ушбу магистраль рақобатбардошлигини ошириш масаласида ўзаро мувофиқлашган ёндашув ҳанузгача мавжуд эмас. Бугун юк ташишнинг асосий ҳажмини ҳосил қилаётган бизнес учун манфаатли бўлган тарифлар керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Транспорт-логистика ва порт инфратузилмаларини кенгайтириш, йўл қопламасининг техник ҳолатини яхшилаш, транспорт идоралари ваколатли вакилларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш орқали Транскаспий йўлаги салоҳиятидан фойдаланишнинг таъсирчан механизмини яратиш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Инвестициявий ва технологик шериклик соҳасида Ўзбекистон Президенти “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” иқтисодий форуми доирасида ҳар йили саноат-технология кўргазмаларини ўтказиш масаласини кўриб чиқишни таклиф қилди.

Бугунги воқеликдан келиб чиқиб, Европа инвестиция банки билан биргаликда Европанинг етакчи компаниялари ишлаб чиқариш қувватларини мамлакатларимизга кўчириш жараёнида уларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг махсус воситаларини ишга тушириш ташаббуси ҳам илгари сурилди.

Рақамли ўзаро боғлиқлик борасида “Европа жамоаси” механизмидан фойдаланган ҳолда “Марказий Осиё учун рақамли кун тартиби”ни биргаликда ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Европанинг илғор билим ва технологияларини қўллаган ҳолда мақсадли минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва экотизимлар барқарорлигини ошириш масалаларига алоҳида тўхталди.

— Масаланинг ғоят долзарблигини ҳисобга олиб, Европа Иттифоқини шу йил кузда Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд ташаббуси доирасида ўтказиладиган биринчи Халқаро иқлим форумининг ҳам ташкилотчиларидан бири бўлишга чақирамиз, — деди Президент.

Ўзбекистон шериклар Марказий Осиё атроф-муҳитни ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетини ташкил этиш лойиҳасида фаол иштирок этишидан ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Марказий Осиёнинг туризм салоҳиятидан фаол фойдаланиш мақсадида давлатимиз раҳбари минтақа учун барқарор туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш дастурини биргаликда ишлаб чиқиш ва уни жорий йил октябрь ойида Ўзбекистонда ўтказиладиган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг юбилей саммитида тақдим этишни таклиф қилди.

Ёшлар таълимига сармоя киритишнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, Президентимиз Евроиттифоқ мамлакатларининг етакчи олий таълим муассасалари билан шерикликни йўлга қўйиш ва қўшма таълим дастурларини жорий қилиш таклифини билдирди.

Мамлакатимиз етакчиси таълим вазирлари ва университетлар ректорларининг мунтазам учрашувлари қайта тикланиши ҳамда “Европа уфқлари” дастури доирасида Марказий Осиё минтақаси учун илмий-тадқиқот ва таълим лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш кенгайтирилиши тарафдори эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, хавфсизлик соҳасида янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, экстремизм ва радикализм, одам савдоси, уюшган ва кибержиноятчиликка қарши курашиш ҳамда чегараларни қўриқлаш соҳасида шериклик дастурларини ишлаб чиқиш биргаликдаги ишларнинг энг муҳим йўналишидир.

— Шу мақсадда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи: хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликнинг янги кун тартиби” мавзусида экспертлар конференциясини ўтказишни таклиф этамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Афғонистондаги гуманитар вазият тез суръатда ёмонлашиб бораётганига эътибор қаратиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамкорларни афғон халқига инсонпарварлик ёрдами ҳажмини камайтирмасликка чақирди ва шу мақсадда Термиздаги логистика хаби имкониятларини тақдим этишга тайёрлигини билдирди.

Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш ва унинг тинч тараққиётига кўмаклашиш борасидаги долзарб масалалар ечими юзасидан умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун махсус вакилларнинг мунтазам маслаҳатлашувларини давом эттириш таклиф қилинди.

Сўзининг сўнггида давлатимиз раҳбари учрашув якунлари бўйича алоҳида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Президентимиз “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи тўлиқ форматли саммитини келгуси йилда Ўзбекистонда ўтказиш ташаббуси қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашув якунида давлат раҳбарлари матбуот учун Қўшма баёнот қабул қилдилар.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммит доирасида Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель билан учрашди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва минтақавий форматда амалий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалаларнинг кенг доираси кўриб чиқилди.

Еврокенгаш Президенти Шарль Мишель давлатимиз раҳбарини Конституция бўйича референдумнинг натижалари билан самимий қутлаб, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ортга қайтмас демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислоҳотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди ҳамда бўлажак муҳим сиёсий тадбирлар муваффақиятли ўтишини тилади.

Томонлар 2022 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувда эришилган келишувларга мувофиқ икки томонлама мулоқот ва алмашинувларда юқори суръат кузатилаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Ушбу даврда Ўзбекистонда Минтақавий ўзаро боғлиқлик бўйича биринчи конференция, навбатдаги Фуқаролик жамияти форуми ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

Ўзбекистоннинг ЕИ давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми жорий йил бошидан буён 70 фоизга ошди. Европанинг етакчи компаниялари иштирокида мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори технологик тармоқларидаги инвестиция лойиҳалари портфели 20 миллиард евродан ортди.

Ўзбекистон ва ЕИ етакчилари икки томонлама савдони диверсификация қилиш ва ҳажмини ошириш, “GSP+” имтиёзли савдо тизимининг амал қилиш муддатини узайтириш, самарали транспорт йўналишлари, энг аввало, Транскаспий транзит йўлагини ривожлантириш, “яшил” энергетика, инновациялар ва юқори технологиялар, рақамлаштириш, экология, таълим, туризм ва бошқа соҳаларда қўшма дастурларни амалга ошириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Афғонистон бўйича маслаҳатлашувларни ва ушбу мамлакатга инсонпарварлик ёрдамини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# АҲОЛИГА СИФАТЛИ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАМДА УНИНГ САМАРАЛИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

← 1

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида **Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги** (кейинги ўринларда – Агентлик), шунингдек, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда **“Инсон”** ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштириладиган ва мониторинг қилинадиган фаолият йўналишлари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. **Қуйидагилар Агентлик тузилмасига** ўтказилсин:

**а) 2023 йил 15 июндан бошлаб Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидан**:

Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда унинг ҳудудий марказлари;

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун “Мурувват” ва “Саховат” интернат-уйлари;

Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар;

**б) 2024 йил 1 январдан бошлаб**:

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидан** болалар уйлари;

**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидан** меҳрибонлик уйлари;

**маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимидан** вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оилавий болалар уйлари;

**в) 2024 йил 1 августдан бошлаб**:

**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидан** алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари;

**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидан** имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаблари;

**г) 2025 йил 1 январдан бошлаб**:

**Ички ишлар вазирлиги тизимидан** муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари;

**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тизимидан** Ижтимоий суғурта жамғармаси.

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг **Паралимпиячиларнинг матонат мактабини 2023 йил 15 июндан** Агентлик тузилмасига ўтказиш ҳамда Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институтининг фаолиятини **ҳамкорликда мувофиқлаштириш бўйича таклифи маъқуллансин**.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган ташкилотлар ва таркибий тузилмалар амалдаги молиялаштириш **манбалари, штат бирликлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулки ҳамда бошқа товар-моддий бойликлари билан биргаликда** тўлалигича Агентлик тузилмасига ўтказилади.

5. Ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида ташкил этиш мақсадида **2023 йил 1 июлдан** бошлаб Агентликнинг туман (шаҳар)лардаги **“Инсон”** ижтимоий хизматлар марказларида **ижтимоий ходимлар гуруҳлари** ташкил этилсин ва қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳар бир хонадон аҳволини ўрганиб, оилалардаги ҳақиқий ҳолатни ҳамда уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

оилаларнинг **иқтисодий-ижтимоий ҳолати ва эҳтиёжларини** ўрганиш натижасида уларнинг ижтимоий паспортларини шакллантириш;

эҳтиёжманд аҳоли билан, шу жумладан, кейс-менежмент усулини қўллаган ҳолда самарали иш ташкил қилиш, улардан ижтимоий хизматлар ва ёрдам олиш бўйича **буюртмалар** қабул қилиш, заруратга қараб буюртмаларни масъул вазирлик ва идораларга юбориш;

**оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган оилаларни** мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш, улар учун ижтимоий хизмат ва ёрдамларни ташкил этиш.

6. Белгилансинки:

Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги **ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи** ҳисобланади;

Агентлик ўз фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан **мустақил равишда амалга оширади**.

7. Агентлик ҳузурида қуйидагилар ташкил этилсин:

**Ижтимоий инспекция** ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари;

**Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази**;

**Ижтимоий ҳимояни ривожлантириш институти**;

Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг бўлинмалари негизида Агентлик марказий аппарати таркибида **Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари**.

8. Ўз вазифаларини амалга оширишда Агентликка қуйидаги **ҳуқуқлар берилсин**:

ваколатли давлат органларига аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича дастурлар талабларини бажармаганлиги учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларни қўллаш бўйича **тақдимномалар киритиш**;

ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** қабул қилиш;

ўз ваколати доирасида маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳолатлар юзасидан **маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар** тузиш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базасидан **реал вақт режимида фойдаланиш**;

давлат органлари ва ташкилотларидан зарур статистик, таҳлилий ҳамда бошқа **маълумотларни сўраш ва олиш**;

ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари учун **давлат олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида имтиёзли тарзда** ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш;

ўз ваколатлари доирасида **маслаҳат-кенгаш органлари ва эксперт комиссияларини** ташкил этиш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида махсус касбий билимларни талаб этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун **давлат органлари ва ташкилотларининг мутахассисларини жалб этиш**;

ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш бўйича **халқаро ҳамкорлар**, халқаро ташкилотлар ва экспертлар билан ҳамкорлик юзасидан ва бошқа шартномаларни тузиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмасига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича маслаҳатчиси – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори** лавозими киритилсин;

Ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича шуъба ташкил этилсин.

10. Агентлик:

**а) 2023 йил 15 июлга** қадар ЮНИСЕФнинг экспертларини жалб қилган ҳолда ва уларнинг дастурларига мувофиқ ижтимоий ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг **малакасини ошириш тизимини** йўлга қўйсин.

Бунда хорижий ва маҳаллий малакали экспертларни жалб қилган ҳолда **аҳолига маҳалла даражасида профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш** мутахассисларини тайёрлашга эътибор қаратсин;

**б) 2023 йил 1 августга** қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурасида ижтимоий ходимларни ўқитиш дастурларини қайта кўриб чиқсин;

**в) 2023 йил 15 августга** қадар аҳолини ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурлари бўйича, шу жумладан, уларнинг мобиль алоқа воситаларига маълумот юбориш орқали **хабардор қилиш амалиётини** жорий этсин;

**г) 2023 йил 1 сентябрга** қадар ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳитни ташкил қилиш бўйича таклиф киритсин;

**д)** қуйидагиларни:

**2023 йил 1 июлга қадар** аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш вазифалари Агентликка ўтказилиши муносабати билан бошқа вазирлик ва идоралар, шу жумладан, маҳалла даражасида фаолият юритаётган тузилмаларнинг **такрорловчи функцияларини бекор қилишга оид** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

**2023 йил 1 августга** қадар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда аҳолининг **ижтимоий муаммоларини маҳалла даражасида** ҳал этишга қаратилган **профессионал хизмат кўрсатиш** тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини;

**2023 йил 1 сентябрга** қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Агентлик тузилмасига ўтказилган **ижтимоий муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш** ҳамда ривожлантириш бўйича таклифларни;

**2024 йил 1 январга** қадар меҳнатга лаёқатли **аҳолини ижтимоий суғурта механизмлари билан қамраб олиш** даражасини оширишга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

**е) 2024 йил 1 январга** қадар:

**давлат томонидан кафолатланган** ижтимоий хизматларни кўрсатиш **стандартларини** ҳамда уларнинг ижросини мониторинг қилиш мезонларини;

ногиронлиги бўлган шахсларни уйда парваришлаш билан банд бўлган оила аъзоларига кўмаклашиш бўйича ижтимоий ҳимоя механизмларини ишлаб чиқсин;

**ж)** нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик лойиҳалари амалга оширилишини йўлга қўйсин;

**з)** ижтимоий ҳимоя соҳасидаги муаммо ва таклифларни муҳокама қилиш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича **жамоатчилик вакилларидан иборат** кенгаш ташкил этсин.

11. Агентлик Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда **2023 йил 1 октябрга** қадар **“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимини** ишга туширсин, унинг зарур идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциясини ва доимий такомиллаштириб борилишини таъминласин.

12. Белгилансинки:

а) **2023 йил 1 октябрдан** бошлаб:

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими Агентлик тасарруфига ўтказилади;

аҳолига кўрсатиладиган барча турдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар, шу жумладан, кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдамлар бўйича аризалар **“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими** орқали қабул қилинади;

б) “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимини жорий этиш доирасида:

Агентлик сўровига асосан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси томонидан вазирлик ва идораларнинг **электрон маълумотлар базалари интеграцияси таъминланади**;

аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш, **фуқаролардан мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш учун электрон тарзда мутасадди вазирлик ва идораларга юбориш** ҳамда жараённи мониторинг қилиш асосида амалга оширилади;

мазкур бандда назарда тутилган электрон ахборот базалари маълумотлари асосида **ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати**, эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини акс эттирадиган **ижтимоий паспортлар жорий этилади**;

**2024 йил 1 январдан бошлаб** “Меҳр дафтари”, “Саховат ва кўмак”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” орқали кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва кўмаклар қамраб олинади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича **2023-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлари дастури** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Ҳар ҳафтанинг жума куни **“Меҳр ва саховат куни”** сифатида белгиланиб, барча давлат органлари ва ташкилотлари эҳтиёжманд аҳоли, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга ғамхўрлик қилиш ҳамда хайрия тадбирларини ўтказсин.

15. Агентлик ҳузурида **2023 йил 1 октябрдан** бошлаб **Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси** ташкил этилсин ҳамда жамғарма маблағларининг харажатлари йўналишлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Агентлик **2023 йил 1 сентябрга** қадар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағларини олувчилар ҳамда молиялаштириш манбаи кесимида маълумотлар шаклланиши ва харажат қилинишининг **очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш** механизмини жорий этиш кўзда тутилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 5-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 1 июнь

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

1 Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан мувофиқликни баҳолаш қоидаларини техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулот чиқарилишига ёки мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш учун маҳсулотни тақдим этган жисмоний ёки юридик шахсга зарар етказилишига сабаб бўладиган тарзда бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, қонунда мувофиқлик сертификати берилиши асоссиз равишда рад этилса, мувофиқлик сертификатининг ёхуд мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилишини асоссиз равишда тўхтатиб турган ёки тугатган мувофиқликни баҳолаш органи ва унинг мансабдор шахсларининг жавобгарлиги ҳам назарда тутилмоқда.

Хусусан, ушбу ҳуқуқбузарлик учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 40 бараваригача миқдорида жарима солиш белгиланмоқда.

Агар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида ҳуқуқбузарлик такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан 80 бараваригача миқдорида жарима солиш кўзда тутилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи синов лабораториялари ва сертификатлаштириш идораларининг масъулиятини ошириш ҳамда маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини тўлиқ баҳолаш орқали аҳолини сифатли маҳсулот ва хизматлар билан таъминлашга олиб келади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Телекоммуникациялар соҳасида айрим фаолият турларини амалга оширганлик учун давлат божи миқдорлари мақбуллаштирилиши муносабати билан "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан уяли алоқа виртуал операторлари (провайдерлар) фаолиятини кенгайтириш мақсадида улар томонидан радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари хизматларини кўрсатиш натижасида ундириладиган давлат божи миқдорлари камайтирилмоқда.

Ушбу соҳада фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 000 баравари миқдорида давлат божи ундирилиши белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, агар уяли алоқа виртуал оператори томонидан навбатдаги йиллик давлат божини тўлаш давридан олдинги молия йилида кўрсатилган кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари хизматларининг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 миллион бараваридан ошган тақдирда, ушбу уяли алоқа виртуал оператори даромадининг 1 фоизи миқдорида қўшимча давлат божи тўлаши белгиланмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда республикамизда ўз телекоммуникация тармоғига эга 5 та мобиль алоқа базавий оператори хизмат кўрсатиб келмоқда. Радиочастота ресурсига эга бўлмаган 1 та виртуал мобиль алоқа оператори мавжуд.

Сенаторларнинг таъкидлашича, қонуннинг қабул қилиниши натижасида уяли алоқа виртуал операторлари фаолиятини кенгайтиришга ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун адолатли рақобат муҳити яратишга эришилади.

Таҳлилларга кўра, ҳудудлардаги хусусий телеканал ва радиоканаллар ўз телерадиодастурларини эфирга узатиш ҳамда моддий-техника базаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлашда айрим молиявий қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Шу боис қонун билан телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштирганлик, қурганлик, улардан фойдаланганлик ва уларнинг хизматларини кўрсатганлик учун тўланадиган давлат божи миқдорлари 50 фоизга камайтирилмоқда.

Бунда теле ва радиоканалларнинг молиявий имкониятларини яхшилашга, яъни 4,1 миллиард сўмга яқин пул маблағларини хусусий телерадиоэшиттириш субъектлари фаолиятини ривожлантиришга эришилади.

Қонун билан давлат божини ундиришда яна бир қўшимча имтиёз берилиб, унга кўра йиллик ундириладиган давлат божининг миқдори тенг равишда йилнинг ҳар чорагида бўлинган ҳолда тўлаш механизми яратилмоқда.

Сенаторлар ушбу қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига енгиллик бериш билан бирга, хусусий телерадиоканаллар ташкил этилишига ва теледастурларни сифатли контентлар билан тўлдиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилганидек, Марказий банк 2022 йилдаги фаолиятини пул-кредит сиёсати ва макропруденциал чораларининг инфляцияга монетар омиллар таъсири даражасини қисқартириш, банк тизимида потенциал хатарларнинг молиявий барқарорликка таъсирини минималлаштириш ҳамда мамлакатда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадларига йўналтирган.

2022 йил март ойида Марказий банкнинг асосий ставкаси йиллик 17 фоизгача кўтарилган бўлса, II чоракдан бошлаб макроиқтисодий шароитларнинг барқарорлашуви ва айрим инфляцион хатарларнинг пасайиши ҳисобига асосий ставка 15 фоизгача туширилди.

Ҳисобот йилида иқтисодиётни молиялаштиришда хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва юқори қўшилган қийматли янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 203 триллион сўм ёки 2021 йилдагига нисбатан 22 фоиз кўп кредитлар ажратилган.

Аҳолига ажратилган кредитлар 2021 йилдагига нисбатан 1,6 баробар ўсиб, 65,3 триллион сўмни ташкил қилди. Ушбу ажратилган кредит маблағларининг 25,6 фоизини микроқарз, 22 фоизини ипотека кредити, 33 фоизини истеъмол кредити, 14 фоизини микрокредитлар ташкил этган.

Шунингдек, 2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 424 мингдан ортиқ лойиҳаларга жами 9,9 триллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

2022 йилда банкларнинг капиталлашув даражаси 12 фоиз ошиб, йил якунлари бўйича қарийб 80 триллион сўмга, устав капитали миқдори 9 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, 2022 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси доирасида давлат иштирокидаги банкларни трансформация қилишга қаратилган ишлар давом эттирилиб, "Ипотека-банк" ва "Ўзагроэкспортбанк"даги давлат улушини хорижий инвесторларга сотиш бўйича жараёнлар якунланди.


Юнус БЎРИЕВ олган сурат.

Натижада давлат улуши мавжуд банк активларининг банк сектори активлари умумий ҳажмидаги улуши 2021 йилдаги 81,5 фоиздан 2022 йилда 78,2 фоизгача пасайган.

Аҳолига республика ва хорижий тўлов тизимлари инфратузилмасида бир карта орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини берувчи кобейджинг банк карталари сони 2021 йилдагига нисбатан 2,7 баробар ошган.

Шу билан бирга, сенаторлар Марказий банк томонидан амалга оширилиши лозим бўлган айрим масалаларга эътибор қаратдилар.

Жумладан, банкларда рақамлаштириш билан боғлиқ белгиланган қатор вазифалар ижроси қолиб кетаётгани, тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш жараёнида шаффофликнинг тўлиқ таъминланмаганлиги, инсон омилининг юқорилиги кредит олиш жараёнини қийинлаштириб, бюрократик тўсиқларнинг юзага келишига омил бўлаётгани қайд этилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг 2023 йилги фаолиятида нархлар барқарорлигини таъминлаш, пул-кредит сиёсати инструментларини ҳамда аҳолининг банклардаги омонатларини ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, инфляцияга номонетар омиллар таъсирини пасайтириш ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишларни амалга ошириш бўйича таклифлар билдирилди.

Муҳокамадан сўнг Сенатнинг Марказий банк фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарори қабул қилинди.

Сенатнинг қирқ биринчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларни футболга кенг жалб этиш, футбол соҳасида халқаро талаблар ва стандартлар асосида иқтидорли ўйинчилар тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини шакллантириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда иқтидорли ёш футболчиларни саралаб олиш тизимини ва футбол инфратузилмасини янада ривожлантириш, соҳада маркетинг ва замонавий бошқарув механизмларидан самарали фойдаланиш мақсадида амалдаги солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддатини узайтириш зарурати мавжуд.

Сенаторларнинг таъкидлашича, ушбу қонун билан Солиқ кодексига 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, "Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси" жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази ва профессионал футбол клубларига барча турдаги солиқларни (бундан ижтимоий солиқ мустасно) тўлашдан озод этишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Шунингдек, ўзи жалб қилган чет эл мутахассислари ва футболчиларининг даромадларидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёз берилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари ва инвентари ҳамда соҳани қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ қатор товарлар учун қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилмоқда.

Мажлисда "Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси" жамоат бирлашмаси ва профессионал футбол клубларининг молиявий аҳволини яхшилаш, хорижий етук мутахассисларни жалб қилиш орқали соҳадаги мутахассислар малакасини ошириб бориш, шунингдек, хусусий профессионал футбол клубларини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши футбол клублари фаолиятини ривожлантиришга, терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этишга, мамлакатимизда футбол бўйича йирик халқаро мусобақаларни, шу жумладан, ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида жаҳон ҳамда қитъа биринчиликларини юқори даражада ташкил этишни таъминлашга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ҳамда Судьялар олий кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан жамият ҳаётининг барча соҳаларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлигини оширишга қаратилган 11 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР СЕНАТОРЛАР ТОМОНИДАН КЕНГ ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

*Кеча ўз ишини давом эттирган Олий Мажлис Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлисида яна бир қатор долзарб масалалар сенаторлар томонидан кенг таҳлилдан ўтказилди. Мазкур масалалардан айримларининг бугунги кундаги аҳамияти хусусида сенаторлар шундай фикр билдирди.*

**Муносабат**

**Фарҳод БОҚИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

### МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ ОРГАНИ ВА УНИНГ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИГА ЖАВОБГАРЛИК НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА

— Кейинги йилларда бошқа соҳаларда бўлгани сингари техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳамда мувофиқликни баҳолаш йўналишларида ҳам муайян чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди. Аммо ҳозирги тезкор замонда шулар билан кифояланиб қолиш мумкин эмас.

Сенаторлар томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун шу мақсадда, хусусан, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, мувофиқликни баҳолаш қоидалари бузилишларининг олдини олиш ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган таъсир чораларини янада тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

У билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан мувофиқликни баҳолаш қоидаларини техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулот чиқарилишига ёки мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш учун маҳсулотни тақдим этган жисмоний ёки юридик шахсга зарар етказилишига сабаб бўладиган тарзда бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу ўзгартиришларнинг айримлари хусусида тўхталмоқчимиз. Мазкур қонун соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширади ва энг муҳими, фуқаролар ҳаёти ҳамда соғлиғини муҳофаза қилишда дастуриламал вазифасини ўтайди.

Қонунда мувофиқлик сертификати берилиши асоссиз равишда рад этилса, мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларация амал қилишини асоссиз равишда тўхтатиб турган ёки тугатган мувофиқликни баҳолаш органи ва унинг мансабдор шахслари жавобгарлиги ҳам назарда тутилмоқда. Масалан, ушбу ҳуқуқбузарлик учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 40 бараваригача миқдорида жарима солиш белгиланмоқда. Агар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида ҳуқуқбузарлик такрор содир этилса, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан 80 бараваригача миқдорида жарима солинади.

**Маҳмуд ПАРПИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.**

### ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БЕРАДИ

— Юртимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсати боис телекоммуникация соҳаси изчил ривожланмоқда. Буни уяли алоқа виртуал операторлари ва телерадиолар сони ошаётгани ҳамда ижтимоий тармоқлар фаоллашаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ялпи мажлисда кўриб чиқилган "Телекоммуникациялар соҳасида айрим фаолият турларини амалга оширганлик учун давлат божи миқдорлари мақбуллаштирилиши муносабати билан "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун бу борадаги саъй-ҳаракатларга янгича суръат беришга қаратилганлиги билан алоҳида эътиборга молик.

Ушбу қонун билан уяли алоқа виртуал операторлари (провайдерлар) фаолиятини кенгайтириш мақсадида улар томонидан радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари хизматларини кўрсатиши натижасида ундириладиган давлат божи миқдорлари камайтирилмоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда республикамизда ўз телекоммуникация тармоғига эга 5 та мобиль алоқа базавий оператори хизмат кўрсатмоқда. Радиочастота ресурсига эга бўлмаган 1 та виртуал мобиль алоқа оператори мавжуд. Янги қонун уларнинг фаолиятини янада кенгайтиришга ва соҳа учун адолатли рақобат муҳити яратишга замин яратади. Шундан келиб чиқиб, уни соҳада тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда муаммоларни ечишга қаратилган навбатдаги дадил қадам, дейиш мумкин.

Гап шундаки, ўзининг мустақил алоқа тармоғига эга бўлмаган уяли алоқа виртуал операторлар (провайдер)га лицензия берганлик учун давлат божи миқдори юқорилиги боис соҳада тадбиркорлик бозор қоидалари асосида ривожланишига халал бериб келаётганди. Эндиқда вазият бутунлай ўзгаради.

Давлат божи сезиларли даражада камайтирилаётгани тадбиркорларнинг ихтиёрида қўшимча маблағлар қолиши баробарида виртуал мобиль алоқа бозорининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва мамлакатимизга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва натижада телекоммуникация тармоқларини модернизация қилишга кенг шароит яратади.

Ҳудудлардаги хусусий теле ва радиоканаллар ўз телерадиодастурларини эфирга узатиш ҳамда моддий-техника базаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлашда айрим молиявий қийинчиликларга дуч келаётган ҳозирги бир шароитда бу айни муддаодир.

Қисқача айтганда, қонун билан телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштирганлик, қурганлик, улардан фойдаланганлик ва уларга хизматлар кўрсатганлик учун тўланадиган давлат божи миқдори 50 фоизга камайтирилмоқдаки, бу соҳа вакилларини мамнун этиши, шубҳасиз.

**«Халқ сўзи».**

**Мулоқот**

## ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Антонелла Бассани бошчилигидаги делегация билан учрашди.*

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасида стратегик ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, банкнинг кўмаги билан энергетика, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизация қилиш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишларида бир қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили ушбу нуфузли халқаро молия ташкилоти директорлар кенгаши ҳамда Ўзбекистон ўртасида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури тасдиқланган эди. Эътиборлиси, бу тузилма кўмагидаги жами лойиҳалар бугунги келиб 63 тага етди.

Учрашувда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, жумладан, хусусий секторда инклюзив бандликни кўпайтириш, шунингдек, инсон капиталини ривожлантириш, яшил иқтисодий ўсиш орқали фаровонликни ошириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Сенат Раиси айни пайтда камбағалликни қисқартириш масаласига замонавий ёндашувлар асосида биргаликда ечим топиш, уларни изчил амалга ошириш долзарб бўлиб бораётганини, шу муносабат билан янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг драйвери бўлган хусусий сектор ва тадбиркорлик субъектларига сармояларни жалб этишда ушбу муассаса кўмаги муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Қолаверса, инклюзив таълим ва ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш орқали Ўзбекистонда инклюзив сиёсатнинг янги вазифаларини белгилашда Жаҳон банкининг фаол иштироки аҳамиятли эканлиги ҳам қайд этилди.

Ўз навбатида, А. Бассани самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Жаҳон банки Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналишларини аниқлаб олиш ва бу борада алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор эканини билдирди. Айни чоғда Ўзбекистоннинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва унинг натижаларига кенг тўхталиб, бу ҳаракатлар муносиб меҳнат стандартлари доирасида давом эттирилаётгани эътирофга молик экани, мазкур йўналишда Жаҳон банки бундан кейин ҳам Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

— Албатта, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида жуда катта ишлар қилинмоқда, бу йўналишда ҳам биргаликдаги ишларимизни кучайтирамиз, — деди А. Бассани.

Шунингдек, мулоқот давомида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имконини берадиган тармоқлараро йўналишларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, гендер тенгликни таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш ва давлат органларининг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## ОРОЛГА ҲАЁТ ҚАЙТМОҚДА

*Орол денгизи бир пайтлар катталиги бўйича дунёда тўртинчи кўл бўлган. У қадимдан Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда табиий мувозанатни сақлаш вазифасини бажариб келган.*

**Экология**

Минг-минглаб одамлар фаровон ҳаёт кечирган, тонналаб балиқлар овланган денгизнинг аксарият қисми ҳозир бепоён саҳрога айланган. Бундай шароитда борини асраб қолиш, фожиа таъсирини камайтириш, одамлар ҳаётини осонлаштириш — ягона тўғри йўл.

Шу боис сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида яшил бутазорлар барпо этиш ва минтақада экологик ҳолатни барқарорлаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, яхши ҳаёт кечириши учун зарур шароитлар яратиш борасида улкан ишлар қилинди.

Биринчи навбатда, Орол денгизи сувининг кескин камайиши асоратларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда денгизнинг қуриган тубида ўрмонзор барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

2018 йилда Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондига асос солинган бўлса, 2021 йилда БМТ Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш ҳақида резолюция қабул қилди. Оролбўйининг флора ва фаунасини яхшилаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди.

Минтақани молиялаштириш, иқтисодий салоҳиятини ошириш, асосийси, матонатли қорақалпоқ элининг саломатлигини тиклаш, ҳудудда яшил боғларни яратиш учун катта маблағ ажратилди ва ўтган қисқа даврда муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, Орол денгизининг қуриган қисмига миллионлаб туп кўчат экилмоқда.

Биргина жорий йилда Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида қум кўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига туз-чанг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида жами 195 минг гектар, шундан Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида 128 минг, Бухоро вилоятида 40 минг, Навоий вилоятида 17 минг ва Хоразм вилоятида 10 минг гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан "яшил қоплама"лар ташкил этилди. Ушбу тадбирлар учун жами 856 тонна, шу жумладан, Мўйноқ туманида 541 тонна, Бухоро вилоятида 160, Навоий вилоятида 100 ва Хоразм вилоятида 55 тонна саксовул ва бошқа чўл ўсимликларининг уруғлари жамғарилди.



Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжаликлари томонидан 100 гектар, Бухоро вилояти ўрмон хўжаликлари томонидан 30 гектар, Навоий вилояти ўрмон хўжаликлари томонидан 10 гектар ва Хоразм давлат ўрмон хўжалиги томонидан 10 гектар, жами 150 гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларининг ниҳолхоналари ташкил этилди.

Бу саъй-ҳаракатлар келгусида мўътадил об-ҳавони таъминлаш билан бирга, Оролбўйи ҳудудларига фойдали бўлган чорвачилик, балиқчилик ва боғдорчиликни ривожлантиришга замин яратади. Энг муҳими, бу ерда ўзига хос экотизим шаклланади, яшиллик тикланади.

Айтиш жоизки, инсон қадрини улуғлаш, аҳоли турмуш шароитини тубдан яхшилашга қаратилган амалий ишлар орқали бугун йўқолиб бораётган умидлар тикланди, эртанги кунга ишонч уйғонди. Шу маънода, сўнгги йилларда юртимизда экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли Орол яна умид ва янгиланиш рамзига айланмоқда.

Ўтган қисқа даврда Мўйноқда амалга оширилган ислоҳотлар натижасини, ўзгаришларни, қурилаётган бир-биридан кўркам уйлар, маданият-маърифат кошоналари, спорт мажмуалари, хиёбонларни кўриб, ҳайратланмай иложингиз йўқ. Қисқача айтганда, бугун бу ўлкада мўъжиза рўй берди — Оролбўйига, Мўйноққа янги ҳаёт, янги кайфият кириб келди. Бинобарин, буларнинг барчаси аҳолининг кундалик ҳаётида ҳам намоён бўлаётир.

**Моҳира ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Фикр

# ДАВЛАТ БАЙРОҒИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

*Давлат байроғи юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-ободлик, миллатлараро тотувлик, қут-барака, биз эришаётган ютуқлар ва келажакка мустаҳкам ишонч рамзи сифатида ҳар биримизга ифтихор бағишлайди. Ватанимиз тарихининг қайси даврини олиб қарамайлик, байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган.*

Албатта, байроғимиз бизни Ватан равнақи йўлидаги янги марралар сари руҳлантириб туради. Лекин очиғини айтганда, давлат рамзларидан, хусусан, байроғимиздан фойдаланиш бўйича меъёр, қоидаларда айри мужмаллик ва мураккабликлар бор. Масалан, Ўзбекистон фуқароси бу давлат рамзидан ўз хонадонида, автомобилида, хусусий корхонасида фойдалана оладими? Афсуски, бу соҳани тартибга солувчи амалдаги қонунчиликда рухсат берувчи ёки шуни рағбатлантирувчи норма йўқ.



Қисқаси, давлат рамзларидан фойдаланиш тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқиш вақти келганди. Шу боис ўтган 2022 йилда Қонунчилик палатасининг ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси илгари сурилган эди. Шундан сўнг фракциямизнинг бир гуруҳ депутатлари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузилганди.

Депутатлар томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси 2023 йилнинг 1 июнида жамоатчилик муҳокамаси учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасига жойлаштирилди. Ўтган 1-2 кун давомида ушбу қонун лойиҳаси билан 300 дан ортиқ фойдаланувчилар танишиб чиққани ва 10 га яқин турли мазмундаги таклифлар илгари сурилгани жамоатчиликнинг байроғимизга нисбатан бефарқ эмаслигини кўрсатиб турибди.

Қонун лойиҳаси билан байроғимизга нисбатан зарур ҳурматни таъминлаш шарти билан қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— Давлат байроғидан спорт мусобақаларида, оммавий жисмоний тарбия тадбирларида, маданий ва ўзга оммавий тадбирларда, оилавий байрамларда, хотиравий саналарни байрам қилишда ҳамда бошқа ҳолларда фойдаланилишга рухсат бериш;

— Байроқдан ва унинг тасвири туширилган белгилардан жамоат жойлари ва биноларда, яшаш ёки иш жойларида ҳамда уларга туташ бўлган ҳудудларда, транспорт воситаларининг салонида фойдаланишга рухсат бериш;

— Давлат органларининг рамзларида (байроқ, геральдик белги) ва уларнинг расмий веб-сайтларида Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан фойдаланишга ҳуқуқий асос ўрнатиш;

— Давлат байроғи тасвиридан устки кийимини безатиш учун фойдаланишга рухсат бериш;

— Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлинишига йўл қўйилмайдиган ҳоллар аниқ белгилаб берилмоқда.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 52-моддасида байроқдан йиртилган, ифлосланган, тешилган, ранги оқарган ҳолда бирор-бир нарса учун устки ёпинғич сифатида фойдаланиш, уни ўтириладиган жойларга ёки оёқ остига тўшаш, бир марта фойдаланиш ва ташлаб юбориш учун мўлжалланган бошқа буюмларга босиб чиқариш каби ҳурматсиз муносабатда бўлишга йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ нормани киритиш таклиф этилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керак, қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани депутатларнинг зиммасидаги вазифа адо этиб бўлинганини англатмайди. Аксинча, биз, депутатлар кенг жамоатчиликдан мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича асосли таклифларни кутиб қоламиз. Шу боис fan@parliament.gov.uz электрон почтасига таклифларни жўнатиш имконияти яратилди.

**Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ҚУЛАЙ, ТЕЖАМЛИ

*Иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси яхшилангани сари энергияга ҳам талаб ошиб боради. Шу боис мамлакатимизда энергия қувватларини ошириш ва энергиядан тежаб фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.*

Ушбу соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида охирги олти йилда 5 минг мегаватдан зиёд янги электр қувватлари яратилди. Биргина жорий йилнинг январь — апрель ойларида қўшимча 726 миллион киловатт соат электр энергия ишлаб чиқарилди.

Бугунги кунда бу борадаги ишлар тизимли равишда давом эттирилиб, электр энергияси ишлаб чиқариш изчил ривожлантирилмоқда. Ҳатто бунга қўшимча сув, қуёш, шамол энергетика станциялари барпо этилмоқда.

Таҳлилларга кўра, сайёрамиз аҳолиси истеъмол қиладиган бирламчи энергия таъминотининг бешдан бир қисми қайта тикланувчи энергия манбаларидан олинар экан. Ушбу сектор 2040 йилгача ҳар йили 2,6 фоизга ўсишни давом эттириши кутилмоқда.

Мамлакатимиз улкан қуёш энергияси ресурсларига эга бўлиб, йилнинг тахминан 300 куни қуёшли бўлади. Ҳудудларимизнинг кўп қисмида максимал кўрсаткич 5,5-6 кВт/м.ни ташкил этиб, унинг техник имкониятлари 200 миллион тонна нефть эквивалентига тенг. Бу истеъмолдаги барча энергия манбаларидан уч баравар ортиқ эканини ҳисобга олсак, мавжуд имкониятдан самарали ва унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Электр энергиясига талабни қондиришнинг яна бир самарали усули — муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш. Қуёш, шамол, сув ва бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқариш бугун дунёда оммалашиб боряпти.

Шу жиҳатдан, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, энергетика соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар соҳанинг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қиляпти.

Айтиш жоизки, "яшил" энергетикани ривожлантириш инсонларни нафақат энергия билан таъминлашда, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Мамлакатимизда ушбу соҳани қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган қисқа даврда катта натижаларга ҳам эришилди.

Биргина Кармана ва Нурободда ишга туширилган, ҳар бирининг қуввати 100 мегаватга тенг бўлган қуёш электр станцияларида 434 миллион/кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилган. Бу орқали 127 миллион куб метр газ тежалишига эришилган бўлса, 173 минг тонна атмосферага зарарли газлар чиқишининг олди олинган.

2022 йилда 7 та инвестиция лойиҳалари доирасида Сирдарё, Тошкент, Хоразм, Бухоро вилоятларида жами қуввати 1374 МВт бўлган 6 та иссиқлик электр станцияси ҳамда қуввати 100 МВт бўлган 1 та қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилган ва ишлаб чиқаришнинг умумий қуввати 17881 МВт га етказилган.

Айни чоғда мамлакатимизда энергетик барқарорликни таъминлаш мақсадида янги қувватларни ишга тушириш ва электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, 2023 — 2026 йилларда умумий қуввати 15 минг МВт га тенг электр станциялари ишга туширилиб, 2026 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқарилишини 100 млрд. кВт соатга ошириш белгиланган.

Бунинг учун юртимизда қайта тикланувчи электр станцияларини қуриш бўйича умумий қуввати 8 минг МВт дан ортиқ бўлган 22 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Жорий йил якунига қадар Навоий вилоятида 500 МВт бўлган шамол ҳамда Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида умумий қуввати 3647 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари барпо этилиши эса мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш саноатига, энергия тежамкорлиги истиқболларига бевосита фойдали таъсир кўрсатади.

Шунингдек, 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида умумий қуввати 1100 МВт бўлган 3 та шамол электр станциялари, Навоий вилоятида қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш белгиланганки, бу ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, Ўзбекистонда қуёш станцияларини қуриш орқали жами 600 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу — республиканинг ҳозирда энергияга бўлган жами эҳтиёжидан 8 баробар кўп, дегани. 2030 йилга бориб мамлакатда қуёш фотоэлектр энергияси ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланувчи манбалар улуши 30 фоиздан ортиши кўзда тутилаётир.

Агар юқоридаги режалар ва лойиҳалар амалга ошса, сони тобора ўсиб бораётган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини тўлақонли электр энергияси билан таъминлаш имкони пайдо бўлади. Тежалган табиий газ аҳоли истеъмолига ҳамда уни қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат яратишга йўналтирилади.

Умуман олганда, мамлакатда соҳага доир амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлашнинг янада яхшиланишига имкон яратиши билан бирга, минтақада энергетик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Асосийси, бу борадаги ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар одамлар ҳаётида намоён бўлаётир.

**Ислом ХУШВАҚТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

*Юртимизда ёш авлод камолоти, ўғил-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.*

Бугун ёшларнинг замон андозалари даражасида таълим-тарбия олиши, соғлом ва бақувват ўсиб-улғайиши, дунёқараши ҳамда тафаккурини ривожлантириши, маънавиятини бойитиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун ҳуқуқий асослар мустаҳкамланяпти.

Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш...

Мамлакатимизда 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг беш муҳим ташаббуси Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Президентимизнинг "Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлайман", деган сўзлари ҳар бир ёшнинг кўнглини тоғдек кўтариб, қалбида келажакка ишонч бахш этмоқда.

Бу ишончни, иқтидорини намоён этишга интилишни Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси томонидан олиб борилаётган лойиҳаларда ҳам кўриб, кузатиб келмоқдамиз. Жамғарма ўтказаётган кўрик-танловлар, анжуманлар, фестиваллар истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга жалб этиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, иқтидор ва қобилиятини кашф этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Хусусан, ёшларнинг инновацион ғояларини амалиётга жорий этишда амалий кўмак бериш мақсадида ҳар йили "Мирзо Улуғбек ворислари" республика танлови ўтказиб келинмоқда. Мазкур танлов ёшларнинг келгусида



ўз йўлини танлаб олиши учун маҳорат майдонига айланяпти. Ҳар йили минглаб иқтидорли ёшлар ўз илмий ғоялари билан ушбу танловда фаол иштирок этмоқда, улар орасидан 100 нафар энг яхши лойиҳа муаллифлари танлаб олиниб, ўқитилмоқда ҳамда келгусида ғояларини амалиётга жорий этишлари учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Республика ихтисослаштирилган дизайн мактабида 8 ва 9-синфларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг бадиий асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси, Бадиий академия раҳбарияти, Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби педагогик жамоаси, соҳа мутахассислари ва ўқувчи ёшлар қатнашди.

Ёш ижодкорлар тақдим этган ижодий ишларда илгари сурилган ғоя, ўзига хос композиция, бадиий дид ва маҳорат баҳоланди. Якунда 3 нафар "Энг яхши бадиий асар" муаллифи — Шодиябону Авазбекова, Сафия Наримова ҳамда Нодира Агзамова ғолиб деб топилди. Ушбу ўқувчилар жамғарма томонидан сертификат ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, комил инсон бўлиб етишиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитларни яратиш учун бор куч ва имкониятлар ишга солинаётгани бежиз эмас. Бинобарин, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади.

Давлатимиз раҳбари умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи ёшларига йўллаган табригида қайд этганидек, азиз фарзандларимизни келажакда янада улкан ва масъулиятли марралар кутмоқда. Ҳар бирининг ҳаётда муносиб ўрин топиши учун бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятлар тўлиқ ишга солинади.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

## «ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ КЕНГАШИ

**банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши 2023 йил 26 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 4-«А» уйда бўлиб ўтишини маълум қилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Банкнинг 2022 молиявий йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини ҳамда 2023 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банкнинг 2022 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш.
5. Банк Кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ҳамда банкнинг ривожланиш стратегиясига эришиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Банкнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
7. Банкнинг 2022 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш.
8. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
9. Банкнинг 2023 йил учун ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш.
10. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.
11. Янги таҳрирдаги «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.
12. Янги таҳрирдаги «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.
13. Янги таҳрирдаги «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.
14. Янги таҳрирдаги «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари, Кузатув кенгаши Раиси ва аъзолари фаолиятини баҳолаш қоидаларини тасдиқлаш.
15. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг Корпоратив бошқарув Кодексини бекор қилиш.
16. «Туронбанк» АТБ бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (KPI) тасдиқлаш.
17. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
18. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан банкнинг аффилланган шахслари билан келгусида банкнинг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар ҳамда йирик битимлар рўйхатини аниқлаш ва уларнинг амалга оширилишини маъқуллаш.
19. Банк балансидан ташқари ҳисобрақамига олинган активларни ҳисобдан чиқариш.
20. Банк Бошқаруви Раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш.

Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун акциядорлар реестри 2023 йил 1 июнь ҳолатига, умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2023 йил 20 июнь ҳолатига тузилади.

Банк Кенгаши акциядорлардан шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакилларидан эса шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома билан йиғилишга келишларини сўрайди.

Банк акциядорлари ва улар номидан вакиллар 2023 йил 26 июнь куни соат 10:00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.

Йиғилишни ўтказиш бўйича қўшимча ахборот ҳамда унда кўриладиган ҳужжатлар билан қуйидаги манзилга ва телефон рақамларига мурожаат қилиш орқали танишиш мумкин: «Туронбанк» АТБ Бош офиси (Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-«А» уй) ҳамда банкнинг барча филиаллари, телефонлар: +99895 144-60-00; 202-01-01; 202-70-70.

**Электрон манзил:** www.turonbank.uz

**«Туронбанк» АТБ Кенгаши.**

## «ТУРОНЭЛЕКТРОМОНТАЖ» АЖ

акциядорлари диққатига!

«Туронэлектромонтаж» акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2023 йил 31 майдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 22 июнь куни, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 151-«А» уйда жойлашган жамият мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 13.00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 12.30 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14.55 да тугатилади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Йиғилиш регламентини, саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботини тинглаш.
3. Жамият ижроия органининг 2022 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Тафтиш комиссиясининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият томонидан 2022 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида.
6. Жамият акциядорлари томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият фойдасига олиш.
7. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.
8. Жамият «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги ва «Ижроия органи тўғрисида»ги низомларига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
9. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. Жамият тафтиш комиссиясини бекор қилиш.
11. Жамият бошқарув раисини тайинлаш тўғрисида.
12. Жамиятда 2023 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.
13. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва янги таҳрирда тасдиқлаш.

**Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2023 йил 16 июнь ҳолатига кўра тузилади.**

**Акциядорлар паспорт ёки акциядорлар вакиллари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномалар билан келишлари сўралади.**

**Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш учун акциядорлар йиғилиш материалларидан йиғилиш санасидан уч кун олдин ариза бериш йўли билан Жамият маъмурий биносида 2023 йил 21 июнь куни соат 14.00 дан 16.00 гача танишишлари мумкин.**

**Электрон почта манзил: mu8tem@mail.ru**

**Телефон: 71-260-51-33.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.45 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6